

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Энг беғубор
ва қувончли
байрам

Тил билганга
минг танга,
аммо...

Энди мен ҳам
қутқарувчи
бўламан!

Уч ойда
хориждан икки
минг миждоз

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 21 (657)
2019 йил
31 май,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru



ҲЕЧ ҚАЧОН
ЭСКИРМАЙДИГАН
БЕБАҲО ХАЗИНА

2-с.



«Адаштирилган»
норасидавлар

3-с.



5-с.

Ўзбек
хоккейи:
кеча,
бугун,
эртага



Ноинсофлик ҳам
эви биланди... 7-с.

**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан, 156 нафар ватандошимиз, асосан аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилди. Улар 30 май куни махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди.

Шиддат билан тараққий этиб, ўзгариб бораётган замонда касбий баркамолликка эришиш осонликча, ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Инсон жамиятда яшайди. Унинг камолоти, аввало, муҳит ва одамларга бевоқиф бўлиши билан эмас, балки, бу эса инсонни замонавий билимларни эгаллашдан ташқари тўғри сўз, эътиқодли бўлишини, яхши тарбия кўришини тақозо этади. Демак, инсоннинг жамиятда ўзининг муқим ўрнини топиши ва ўсиши таълим билан бирга унинг тарбиясига, хулқ-атвorigа, инсоний фазилатларига чамбарчас боғлиқ.

Таълимни оиладан ташқари, боғчада, мактабда, олий даргоҳда олиш мумкин. Лекин тарбия таълимга нисбатан ҳам нозик ва ўта мураккаб жараён. Луқмони Ҳакимдан «Адабни кимдан ўргандинг?» деб сўрабдилар. Луқмони Ҳаким: «Адабни беадабдан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга маъкул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим», дея жавоб берган экан.

Албатта, тарбияга таълим орқали эришилади. Шу маънода китобнинг ўрни, аҳамияти янада ошадди. Президентимизнинг «Ҳозирги кунда мамлака-



Ҳеч қачон эскирмайдиган бебаҳо хазина

тимизда китобхонлик савиясини ошириш зарур. Лекин кўпгина болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаятгани ҳам бор гап. Биз фарзандларимизнинг онги, дунёқарашини асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жажон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бефарво қараб туролмаймиз», деган сўзлари китобнинг тарбия ва таълимдаги ўрни муҳимлигини исботлайди. Зотан, китоб — инсоният тамаддуни шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган маданий бойлик ва мерос сифатида қадрли. Буюк аллома Дени Дидронинг таъкидлашича, «Одамлар китоб ўқимай қўйсалар — фикрлашдан тўхтайдилар».

Президентимиз жорий йилнинг 19 март кунги видеоселектор йиғилишида ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида 5 та муҳим ташаббусни илгари сургани бежиз эмас. Зудлик билан ёшларни китобхонликка қайтариш, уларга етарли шароитлар яратиш беришга алоҳида ургу берилди. Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусини ҳалққимизнинг зиёдилари — таълим ва илм-фан соҳаси ходимлари биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Китобхонлик акциясини ОТМ профес-

сор-ўқитувчилари, зиёдилар давом эттиришмоқда. Китобхонликни тарғиб қилиш талбири доирасида самарқандлик айрим раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар ташаббус кўрсатиб, ўзлари ўқиган умумтаълим мактабларида маърифий учрашувлар ташкил этиб, халққимизнинг буюк маданий меросини тараннум этувчи китобларни совға қилишмоқда.

Самарқанд Давлат университети раҳбарлари ва фаоллари ташаббуси билан Ургут туманидаги 18, 20 ва 93-сонли, Тайлоқ туманидаги 29-умумтаълим мактабларига адабий ва тарихий, илмий-маърифий китоблар совға қилинди. Ёшларнинг камолга етишида китобнинг роли, қадр-қиммати тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди.

Тобора қулоч ёзаётган китоблар совға қилиш тadbирлари, биринчи навбатда, халқпарвар Президентимизнинг ташаббусидир. Савол туғилади, нега бундай ишлар илгарироқ киришилмади? Ахир, китоб энг муносиб кўнгил совғаси эмасми?! СамДУ профессорлари ўзлари ўқиган мактаб ўқувчиларига янги ҳарид қилинган китоблар дастасини совға қилишганда айрим муаллимларнинг кўзларида қувонч ёшлари бежизга порламади. Бу маънавиятнинг бир шарпаси эмасми!

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим, деб ўйлаймиз. СамДУ раҳбариятининг ташаббуси билан «Физика-кимё» биносида «Самарқанд китоб олами»нинг филиали очилиши талабаларимизни ўзлари ёқтирган бадиий ва тарихий асарларни сотиб олиш имконини оширди.

«Агар сиз фарзандингизга данғиллама уй қуриб берсангиз — вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз — уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз — уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва ҳунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган хазинадан», дея таъкидлади юртбошимиз. Кундалик олатимиз, эзгу ишмиызга айланиб бораётган китоблар ҳаля қилиш шукурки урф-одатга айланмоқда.

Ёшларимизнинг китобга бўлган меҳрини уйғотиш, аслида ҳам биз зиёдиларнинг бурчимиз. Лекин ёшларимизнинг барчаси ҳам китоб ўқийвермайди. Нима учун бугун ҳам Абдулла Қодирининг «Ўткан кунлар»ини, Гафур Ғуломнинг «Шум боласи»ни севиб ўқинади. Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодировнинг ижодини

қўмсашади?! Чунки бу ёзувчилар реал ҳаётни тасвир қилишдан ташқари, халқнинг дилидаги туйғуларни, муаммоларни самимий, халқ тилида содда, жозибали ва ишончли тасвирлаб бера олган. Улар ижодила юксак пафос бор!

Ўзбек халқи азалдан маърифатга, илмга интилган. Тошкентдаги ҳамкасб устозим бир воқеани айтиб берди. «Ёш Ибн Синога уйидагилари пул бериб, мой олиб келишни буюришибди. Бозорга борган Ибн Сино мойнинг пулига Аристотелнинг китобини сотиб олган экан». Балким, бу қимнингдир тўқиган чўпчаги бўлиши мумкин. Аммо ўзбек бир умр илмга интилгани бор ҳақиқат. Унинг исботи Беруний, Хоразмий, Навоий, Ибн Сино, Исмоил Бухорий, Фарғонийлардир. Зотан, китоб буюк ажлодларимизнинг кўнгил мулкига, офтоб мисол ҳаёт малҳамига айланган. Китобнинг аҳамияти ва ролини янада чуқурроқ билиш учун буюк саркарда ва давлат арбоби билан жаҳонга доғи кетган Амир Темурнинг «Амир Темур ўғитлари»даги «Китоб — барча бузёкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир» деган пурмаъно сўзларини эслашнинг ўзи кифоя.

Ўзгараётган Ўзбекистонда барча эзгу амаллар инсон манфаати, яхши яшаш тарзини яратишга қаратилмоқда. Биз зиёдилар давлатимиз раҳбарининг ташаббусларини, китобхонликка оид қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда китобхонликни кенг тарғиб қилишда муносиб ҳисса қўшмоғимиз даркор. Зеро, таълим ва тарбия, камолот ва саодатга эришишнинг калити — китобдир.

Мўмин ҚОДИРОВ,
СамДУ астрономия кафедраси мудири,
физика-математика фанлари доктори

Жараён Тил билганга минг танга, аммо...

Бугунги кунда ҳар бир ота-она ўз фарзандининг хорижий тилларни ўрганишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Албатта, бу давр талаби, тил билган эл билади. Шу билан бирга унутмаслик керакки, тил ўрганишда ҳам меъёрлар бор. Бинобарин, чет тили ўқув предмети хусусиятига кўра, бир қанча фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўргатилади. Унинг асосини фалсафа, антропология, лингвистика, психология, психоллингвистика ва педагогика фанлари билан ўзаро муносабат ташкил қилади.

Олимларнинг фикрича, одам илк туғилган даврдаги оддий сезишдан ташқари фикрлашгача ўтадиган давр қолган даврлар (илк болалик даври 1-3 ёш, мактабгача даври 3-7 ёш, мактаб даври 8-12 ёш)га қараганда узоқ давом этади. Гудаклик даврида дастлабки дақиқалардан сезги органлари ўз фаолиятини бошлайди, бироқ боланинг тафаккури бир неча ойлар, ҳатто, йиллар давомида шаклланади. Кейинчалик нутқ тафаккур ривожланишини

амалга оширади. Бу ҳолат ўта мураккаб миссий билишдан мантиқий тафаккурга ўтиш жараёни босқичини таҳлил этиш имконини беради. Ўқувчи шахсининг психикаси ва унинг ривожланиши ўсишининг турли босқичларида амалиёт билан миссий билиш ҳамда амалиёт билан тафаккур орасидаги жуда мураккаб бўлган ўзгарувчан ақл муносабатлар ва механизмларни ифода қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда болалар боғчаданок чет

тилларини ўзлаштириши учун шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда чет тилларни ўқитиш соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларга кўра, жараённи янада сифатли ва самарали ташкил этиш асосида умумтаълим мактабларининг чет тили ўқув предметида психологик ёндашув концепциясини яратиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Чунки ҳамма болалар боғчага қамраб олинмагани, мутахассислар етишмаслигини ҳисобга олсак, бу ҳам «ҳечдан кўра кет...» деганидир.

Инглиз тилини Бошланғич синфларга ўргатиш жараёнидаги кўникма ва малакалар ушбу тилнинг турли ўйинли ҳаракатлари, технологиялари, оғзаки нутқ дарслари орқали ҳосил қилинади. Белгиланган талабларга мувофиқ эгалланган билим, малака ва кўникмаларни ўқувчиларда инглиз тилини ўрганишда ўз-ўзидан вужудга келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бошланғич синфлар учун дарслик материалларининг айнан ёрқин ранглар, яққол тасвирлар билан ифодаланиши ўқувчи идрокнинг ривожлани-

шига асосий омил бўлиши бор гап. Бироқ қатор машҳур психолог ва физиолог олимларнинг таъкидлашича, ўқувчининг эътиборини тортадиган меъёридан кўп бўлган ёрқин тасвирлар улар учун белгиланган билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга тўсқинлик ҳам қиларкан. Шу сабабли дарслик материалларининг жуда кўп тасвирлар, суратлар билан безатилиши ҳам у қадар мақсада мувофиқ эмас. Биргина мисол, 2-синфда инглиз тилини амалий ўрганишга қўйиладиган талаблар ўқувчининг асосий эътибори — тинглаб, тушуниш ва гапириш мақсади, ўқиниш ҳамда ёзув оғзаки нутқда ўрганилган тил материални такрорлаш, мустаҳкамлаш воситаси мақомида берилиши керак.

Шундай экан, ҳамма иш ўз вақтида ва меъёрида олиб борилгани келажакимизнинг баркамоллигини таъминлайди.

Умида НОРҚУЛОВА,
Янгийўл туманидаги
40-умумий ўрта таълим мактаби
инглиз тили ўқитувчиси



Бугун, 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.

«Адаштирилган» норасидалар

улар меҳр тафтини туйиб улғайишга ҳақли эди

- Шу кўзойнакни эгасига қайтаришим керак. Ҳар гал эсимдан чиқиб машинада қолиб кетяпти-да.
- Ойижон, бу кимники ўзи?
- Нилуфар холаңгники, ўғлим.
- Вой, ойижон, Нилуфар холаңгникимиди? — Шу онда унинг хурсандлиги овозига кўшилиб жаранглади, гўё.
- Бир неча марта кимникилигига қизикдим. Дадамдан сўрамоқчи бўлдим, аёлларникилигига индамагандим...

Эндигина ўн икки ёшни қаршилаган жиянимнинг «Аёлларникилигига индамагандим» деган сўзлари даласини, онасини, ҳатто, мени ҳам ҳайратлантирди. Шу онда қаршимда бир оғиз сўзи билан ўзи улғаяётган оила агаълиши муқаддас ошёнга шубҳа-ғумон оралашган ақли етиб, бемаврид саволдан тийилган кичкина оила ҳимоячисини кўрдим.

Оила — кўрғон. Бу кўрғоннинг қанчалик мустақамлиги, аввало, шу оиланинг устунлари, яъни ота-онанинг кўлида. Оиланинг қувончи эса фарзанд. У меҳр-муҳаббат меваси, муқаддас ришталарни мустақам боғлаб турувчи неъмат деймиз. Қайсики, оилала аҳил-иноқлик, меҳр-оқибат бўлса, шу оила тинч-тотувликда бахтли ҳаёт кечиралади. Бунда улғаяётган фарзандларнинг ҳам онгу шуғрига, қалбига оила муқаддас кўрғон экани жо бўлади. Вақти келиб ўспирин йигит-қизлар турмуш қуради, фарзанд кўради. Энди у тош тепиб юрган бола ёки «лов» этиб ёниб, бир зумда ўчалган олов ўсмир эмас, бир оиланинг боши. Ҳаётининг мазмунига айланган ошённи кўз қорачигидек асрашга масъул инсон. Юқорида гувоҳи бўлганимдек, оиланинг қадрини онда улғаяётган болаларга тўғри тарбия бериш орқали тобора ошиб бораверади. Демак, жияним келажакда, албатта, оиласининг қалқони бўлади. Бу умид дилимга қанчалар ёруғлик олиб кирган бўлса, яқинда ота-онаси туғуруқдонининг ўзиде тапшлаб кетган уч чақалоқ Мосқвалдан юртимизга олиб келингани ҳақида ўқиб, вужудимда ҳайрат аралаш нафрат ҳисси исён қилди. Ўз зурриётидан воз кечиб орқали ота-оналиқни ҳам рад этганлар қандай тарбия кўрган экан-а? Фарзанд бир буюм ёки ўйинчоқмидики шунчаки воз кечиб ёки ташлаб кетилса. «Ўзбеклардек болажон халқни бошқа жойда учратиш қийин», «Ўзбеклар ўзинимас боласини дейди», «Боласи кулса, кулади, куйса, куйди», «Ўзбек фарзандининг ширин ташвишларига бутун ҳаётини сарф этади» каби таърифлар қачон эскириб улурди? Йўқ,

ўзбекилимизга, ўзлгимизга монанд бу таърифлар эскирмаган. Фақат кейинги пайтда орамизда нималарнидир ваз қилиб, ота-она деган номга нолойиқ эканлигини исботлаётганлар борлиги ачинарди. Хабарнинг давомиде хорижда ўз фарзандидан воз кечиш ҳолатлари учраб туриши ва ўтган йили юртимиздаги волеа етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ота-онаси воз кечган 45 нафар бола МДХ давлатларидан олиб келингани таъкидланганди. Бу болаларнинг ҳам рисоладагидек оиласи, ота-онаси, яқинлари бўлиши мумкин эди. Аммо улар энди етим. Тўғри, улар давлатнинг эътиборида, ҳеч бир боладан кам бўлмаган шароитда ўқиб-ўрганали, ўсиб улғаяди. Шу ўринда мени ташвишга солгани улар ҳаётида оилалек кемтикликни ҳеч бир тўқислик билан тўлдириб бўлмаслигиде бўлса, яна бири ана шундай болалар улғайгани сайин ўзини камситилган ҳис этиш туйғуси таъсирида тўғри йўлидан алашиб, ҳаётда қоқилиш эҳтимолининг юқорилиги. Юқоридаги болажон меҳр ошённи қанчалар дарёдиллик билан асрапти. Балки бу болалардан воз кечишмаганда, оиласи бағрида, яқинлари ардоғида бўлишганда улар ҳам шундай қилишарди. Пайти келиб, уларни қайсибир вазни кўрсатиб ташлаб кетган ота-онаси излаб ҳам келиши мумкин. Унда йўқотилган вақтни, айниқса, тарбияда бой берилган муддатни орта қайтариб бўлмайди-ку. Ёки бу гуноҳ шунчаки кечирилаверармикин?

Қалдирғоч тумшугида мисқоллаб лой ташиб уя қуради. Полапонларига тиним билмай озиқ ташийди. Улар учирма бўлгунича уяси атрофида гир айланиб, чарх уради. Сиз бунни кузатганмисиз? «Боласини ташлаб кетибди», «Воз кечибди», «Фалон жойининг эшигидан чақалоқ топилди», ҳатто, «Боласини бунча пулга соғаётган экан» деган гап-сўзлар қулониғга тушганда, орамизда бир қулчалек меҳри йўқ инсонлар ҳам борлигидан афсусланаман.

Бир пайтлар бобом айтиб берган воқеа

ҳеч эсимдан чиқмайди. Ака-уканинг кичиги касалиқдан қазо қилган. Қора қозони зўрға қ а й н а б турган а к а



бўлмай, қалдини тик туйиб, жамиятда ўз ўрнини топиб, нур-

укаси-дан қолган ўғлини «Есиримни кўчага чиқармайман», деб фарзандликка олиб, келинини узатган. Оилалаги меҳр-оқибат, тарбиянинг кучини қарантки, шу ўғил ота-онаси бошқалигини билмай улғайган. Кейинчалик бу сир ошкор бўлганда ҳам боланинг амалкисига меҳри ортса, ортанки, камаймаган, ҳатто, ўз фарзандларидан-де кўпроқ ҳурмат-иззат кўрсатган. Бун миннатсиз муруватга яраша чин меҳр мукофоти, десак тўғри бўлади. Бир этак боласи билан зўрға кун кўраётган камбағал деҳқоннинг бағри, қалби, кўнгли қанчалар кенлигини англаганим сайин, ўз фарзандидан воз кечаётганларни ким деб аташга ўйлан-яйман. Яқин дугоналаримдан бирини болалар уйдан асраб олишган. Ота-онаси юдаи инсонлар. Ҳозир дугонамининг рисоладагидек оиласи, икки фарзанди, энг муҳими, оилапарвар турмуш ўртоғи бор.

Бир қарашда ҳаёти тўқисдек кўринади. Аслида ҳам шундай. Аммо у ўзаро суҳбатлашганимизда бот-бот «Ҳаётимдан нолимайман. Нолисам, ношукурлик бўлади. Аммо кимнингини билмай яшаш қанчалар қийин, ота-онам нега мендан воз кечишганини ўйламай дейман-у, шу савол тубига баъзан чўкиб кетаман. Бир кунни ўз ота-онам қидириб келади, деган ўй юрагимни эзади. Айниқса, бирор тўй-маъракага борсам, «Фалончини ўша» қизими» деган пишир-пишчирлар қулониғга тушиб қолганда, ота-онам ва турмуш ўртоғимнинг меҳридан, фарзандларимнинг қулусидан таскин топаман», — дейди дутоам. Унинг паноҳи — оиласи тенгсиз меҳр ошённи. Аммо барча ташлаб кетилган болаларнинг тақдирини шундай эмас-да. Синовларда то блана-то блана таслим

сиз ҳаётга ўзи ранг олиб кирганларам кўп. Бундайларни енгилмас, собитқалам, десак, тўғри бўлади.

Эртақда адаштирилган Зумрадга ачи-нишимиз рост. «Ота-онаси ташлаб кетган экан» деган сўздан бир он сукут билан оғир нафас олишимиз ҳам. Биз бўғзимизга тиқилган бу оғриқни нафасни бир онгина ҳис этамиз, холос. Аммо бир умр юракда оғриқ билан яшаш қанчалар қийин. Ўзини «хато» деб билишнинг сўроғичи?.. Тақдирга битилган бу аччиқ қисмат юқини кўтариш-чи? Бундай жавобсиз саволлар ҳеч кимни таъқиб қилмаслигини, ҳамма-хамма оиласи, яқинларининг меҳри тафтини туйиб, бир-бирини асраб, ардоқлаб яшашини хоҳлардим, аммо...

Энг мақбул ҳулоса ўзингиздан.

Гулноза ТУРҒУНБОУЕВА

Энг беғубор ва қувончли байрам

Бутун дунё болалари учун энг беғубор ва қувончли байрам борки у ҳам бўлса, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Мамлакатимизда ушбу байрам ҳар йили дилларда шуқуқ, қувонч ва чексиз кўтаринки руҳда нишонланади.

— Байрам муносабати билан республиканинг барча шаҳар ва туманларида «Бахтли болалик» лойиҳаси ишлаб чиқилди, — дейди республика «Камалак» болалар ташкилоти бўлими бош мутахассиси Сухроб Жўраев. — Лойиҳа доирасида «Экология ва мен» болалар конференцияси, «Миллий ўйинчоқлар» фестивали, болаларнинг тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, «Мен ҳам аскар бўламан!», «Биз бир сафдамиз!», «Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоячилари» лойиҳалари, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси менинг

нигоҳимда» тарғибот-ташвиқот акцияси, «Сонлом авлод» болалар спартакиадаси, «Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар» фестивали, болалар театр жамоаларининг чиқишлари, «Бахтли болалик» қаби гала концертлар ва «Зукко китобхон» интеллектуал танлови ўтказилиши режалаштирилган.

Волеа етмаган, тарбияси оғир болаларнинг аҳволидан хабар олиш ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан уларни маънан қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш учун меҳнат тарбиялаш колонияларига



ташриф буюрилади. Болаларга байрам кайфияти улашиб, маданий талбир ва концертлар ташкил этилади.

Шаҳар ва туманларнинг аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ҳамда асо-

сий майдонларда бўлиб ўтадиган талбирларда 970 мингга яқин бола қамраб олинади. Мазкур талбирларни ташкил этишда 3,5 мингга яқин сардор фаоллик кўрсатмоқда.

Мақтабдан олиш, узоқ масофада яшовчи 49 болага Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг велосипедлари совға қилиниши мўлжалланмоқда. Ватан, дўстлик ва бахтли болалик мавзуларида ўтказилган асфальтга расм чизиш танловида республика бўйича жами 70 мингга яқин бола иштирок этади. Уларнинг 2 мингдан ортинги муносиви равишда тақдирланиши режалаштирилган. Муҳими, болажонларимизнинг ёнида қоладиган байрам шуқудини ташкил этиш мақсад қилинган. Бундай сайи-ҳаракатлардан сўнг бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас!

Ориф ЖУМАЕВ



Кеча Урганч шаҳрида Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Ўзбекистон — Россия қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси ўз ишини бошлади.

УЧ ОЙДА ХОРИЖДАН ИККИ МИНГ МИЖОЗ

«Эргаш ота» хусусий тиббий марказидаги даволаш усули дунёнинг кўплаб давлатларида маълуму машҳур. Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан берилган лицензия асосида фаолият юритаётган, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида жойлашган мазкур шифохонада даволашни учун мижозлар навбатга туришади. Демак мижозлар дардига даво топмоқда.

Бош шифокор Бердиқул Эргашев мўъжизали малҳам яратган. Даволашнининг эса ўз фалсафаси бор. У қисқача шундай изоҳлайди:

— Бизнинг муолажамиз парҳез, табиий гиёҳлар асосида тайёрланган малҳам ёрдамида бутун таналаги касалликларнинг асл сабабларига таъсир қилувчи, одам танасини ташкил этган ҳар бир ҳужайра ва тўқималарни касаллик сабабларидан тозаловчи ва алақибат, дарддан фориғ қилувчи даволаш усулидир. Бу усул хасталикларни даволабгина қолмай, касалликнинг, шу билан бирга, барвақт кексайишнинг олдини олади, кимёвий дори-дармонларсиз, жарроҳлик муолажаларисиз инсоннинг асосий бойлиги бўлмиш соғлигини сақлашда катта фойда беради.

Тиббий марказ нафақат одамларни соғломлаштирмакда, балки молиявий фойда билан ишламоқда, солиқларни ўз вақтида тўлаб, давлат бюджетига ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса, охириги икки йилда юртимизда олиб борилаётган очик натижа-сида чет элдан келаётган мижозлар сони кескин ошди. Ўтган йили хорижлик 3775 нафар мижоз тиббий марказда даволанган бўлса, 1470 нафар мижоз шифокор қабулида бўлиб, қуриқдан ўтиб кетди. Демак, 2018 йилда тиббий марказ бош шифокори Бердиқул Эргашев бир йилда 5 мингдан зиёд туристни Ўзбекистонга жалб этди. Энг асосийси, мижозлар айнан Ўзбекистонда касалликларидан халос бўлишгандан бениҳоя хурсанд. Ана шундай мижозлардан бири, Қозғистон Республикаси Ақтўба шаҳарлиги «ЮЖПРОМСНАБ» жамияти муассиси (ташкilotнинг бир йиллик айланма маблағи 5,5 млрд тенге), 64 ёшни қаршилаган Владимир Гринберг фикрига эътибор беринг:

— Асли геологан. Касб тақозоси билан, яъни нотўғри овқатланиш сабаб ўн икки бармоқли ичакда яра ортириб олганман. Ўн йиллаб бу касалдан азоб чекиб келганман. Кейинроқ жигарим касалланди. Бу нисбатан ёшликдаги даврим эди. Ҳозир мен ишбилармонман. Бизнесим ҳам яхши. Фарзандларни уйли-жойли қилгач, хотиним билан ўз соғлигимизга қарай бошладик. Биз тиббиётни ривожланган Германия, Япония, Корея, Исроил, Швейцария каби жуда кўп давлатларда бўлиб, уларнинг тиббий хизматида фойдаланганмиз. Энг замонавий аппаратлар воситасида ҳар томонлама яхши текширишди. Лекин «Сизнинг ёшингизда бу табиий ҳол», дея даволаш бўйича ҳеч нарса таклиф қилишмайди. Бироқ Ўзбекистоннинг Самарқандида, яна Каттақўрғон туманидаги қишлоқлардан бирида ташкил этилган «Эргаш ота» тиббий марказида биринчи бор даволанишга келганимизда ичимиздан тушган хилтлару тошларни кўриб ҳайратга тушганмиз. Иккинчи даволанишдан кейин Кореяга бориб, машҳур «Хундай» клиникасида ўзимизни обдон текширттирдик. Тажрибали врачлар қонимиздаги холестерин миқдори кескин камайганлигини,

томирларимиз тозаланганини ҳайрат билан таъкиллашди. Ўзимизни ёшликдагидек энгил, қувватга тўла ҳис этамиз. Ҳар кунни ўн километрдан кўп яёв юришимга қарамасдан, чарчоқ нималигини билмайман. Бу йил учинчи бор келишим. Мен ривожланган тиббиётдан бохабар инсон сифатида Бердиқул Эргашевнинг даволаш усулини дунёда тенги йўқ деб ҳисоблайман.

Дарҳақиқат, бу даргоҳда кўплаб кишилар хасталикларига даво топиб ишлаб чиқаришга қайтишмоқда.


Вера Ткач (Украина давлати пойтахти Киев шаҳридан, 1952 йилда туғилган):

— Мен ўтган асрнинг 90-йилларида қаттиқ касал бўлдим. Айниқса, жигарим ва ошқозон ости бези жуда азоб берарди. Қон босими муттасил юқори юрарди. Текширтсам, қонимда холестерин миқдори ошиб кетибди. Оёқларимда оғриқ бошланди, бўғимларимда шиш пайдо бўлди. Врачлар «деформацияланган артроз» ташхисини қўйишди. Роса даволандим. Дориларни қабул қилишни тўхтатишим билан оғриқлар яна авж олди. 2003 йилда жарроҳларимиз ўт қопимни йиғилган ва безовта қилган тошлар сабаб олиб ташлашди. Бироқ операциядан кейин ҳам оғриқларим кетмади. Ҳар йили касалликлар «гулдастаси» кўпайиб борарди. 2013 йилда яна бир жарроҳлик операциясини бошимдан ўтказдим — венотомия. 2014 йилда эса гинекология соҳасида яна икки марта операция қилишди. Охириги икки йилда жигар, ошқозон ости бези, буйрақларим жуда қаттиқ оғриди... Ҳеч нарса ея олмай қолдим. Қовурғам ости оғрир, уйқусизликдан азият чекардим...

Шундай кунларнинг бирида болаларим Москвадаги дўстларидан «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб қолишди. Бу ерга келишдан аввал бу мўъжизавий даргоҳ ҳақида роса маълумот тўпладик. Украинадан Ўзбекистонга келишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Йиғилган ахборотлар натижасида кўнглимда ишонч пайдо бўлди. Бир ой муддатга даволаниш учун дугонам билан келдик. Ўзбек заминиди бизни меҳмондўстларча кутиб олишди. Биринчи кунданок муолажани бошладик. Малҳамнинг мўъжизавий кучга эгаллигини иккинчи кунидек англаб етдим — битта катта ва қолганлари кичикроқ биллирубин тошлари тушди. Саккизинчи малҳамдан кейин бир нечта холестерин тошлари тушди. Марказда комплекс даволаш усули қўлланиларкан. Қон босимимни ўлчамай қўйдим, чунки уни ҳис қилмапман, энгилман. Оёқларим букила бошлади, зинаполярдан бемалол тушиб-чиқтым. Бошимдаги оғриқлар тўхтади. Айни пайтда 14 кун ўтди, саккиз кунда ошқоча юкдан кутулдим. Яна 16 кунда бундан-да самарали шифо топишимга ишончим комил.

Шифохонага ҳар хил дунёқарашдаги мижозлар келади. Улар орасида талбиркорнинг фикрини юқорида эътиборингизга ҳавола қилдик. Улар орасида зиёлилар ҳам бор. Мазкур марказдаги даволаш тартибини ўзи ўқиган тиббий, фалсафий китоблари моҳиятидан келиб чиқиб муносабат билдиради. Сергей Казаков (Россия Федерациясининг Томск шаҳридан, 1963 йилда туғилган) худди шундай мижозлардан эканлигини унинг қуйидаги фикрларидан ҳам билиб олиш қийин эмас:

— Мен «Эргаш ота» тиббий марказига 2013 йилнинг мартада келиб қолганман. Бунга сабаб, менга қўйилган ташхис: гиперхолестерин(15,мёёри эса 4,5), бу касалликнинг келажаги ногиронлик ва блокатор дориларга маҳкумлик эди. Қон



таркиби жуда ёмон, бундай қонни тозалай олмаётган жигарнинг аҳолини сўраманг.

Тасодифлар занжири худди эртақлардагидек, тақдир мени Ўзбекистонга, Бердиқул Жўрақуловичга учраштирди! Айни пайтда учинчи бора келишим. Ҳар гал 21 кун даволанаман. Ҳар гал уйга қайтиб қон бўйича мутахассис гематолога анализ топшириб, текширтираман — соғайиш томон, тозалик томон ўсиш ҳайратланарли даражада!

Шундай формула бор: «Тушундим — бажардим — натижага эришдим». Шу боис мен ҳам бу ердаги даволаш жараёнига ўз нуқтани назаримни билдирсам.

1. «Эргаш ота» мўъжизаси» китобиди келтирилган одамлар ва улардаги реал натижалар инсоннинг шифо топиши гоёси ва мотивацияси чизигида устувор, таянч нуқтанинг исботи ҳисобланади.

2. Тушунишимча, даволаш методологияси Шарқ тиббиётининг «У-Син»(5 дастлабки элемент) моделига асосланган. У Одам организмнинг 5 та ички ва ташқи алоқалари бирлашган ва рамзий маънода «Юлдуз» билан тасвирланган функционал системасига асосланади. Мазкур методологияда Одам Бирлашган, Яхлит, мураккаб тузилган организм сифатида қабул қилинади. Даволаш усули ҳам Фарб тиббиётининг фарқи ўлароқ яхлит ёндашувга асосланган. Бердиқул Эргашев ўзгалар учун ёниқ ҳисобланган системага кириш нуқтасини топган ва бутун системани ҳаракатга келтирувчи, унга фаол таъсир этувчи ва динамик мувозанатда сақловчи восита (Малҳам)ни яратган. У орқали бутун организмга шифобахш таъсир ўтказилади. Беш «Юлдуз» тишли гилдирак (шестерёнка) каби айлана бошлади. Ана шу айлананинг ўқи, бу барча динлар пайғамбарлари таъкидлаган

«Инсоннинг ўз ҳаёти ва Илоҳий моҳиятини англаш» ҳисобланади.

3. Мотивация (асос): даволаш жараёнида тозалаш орқали, бошқа турдаги озқиланиш даври орқали асл сабабга таъсир ишлари амалга оширилади:

— инсон ўз ҳаёти ва ҳаёт йўлини қайта кўриб чиқали;

— ҳаёт тарзидаги қилишлар, ёлғон ва турли руҳий тузилмалардан халос бўлади;

— ўзини ва дунёни янгидан англайди.

Фикрим якунида «тана алкимси»нинг ва фавқулодда натижанинг муқаддас механизми ишга туширилади. Айтишим мумкинки, Бердиқул Жўрақулович инсон онги, руҳиятини ўзгартирадиган, янгилайдиган платформа (худуд) яратганки, бу муҳаббат маконида кишилар қалби очила бошлади, нурга тўланди. Ана шу нурланиш ёғдусини германиялик Виктор Риттер ҳулосасида эшитиш мумкин: «Тангри таоло шифокорнинг қалбини бир нур билан тўлдирганки, бу неъматни у биз билан баҳам қўради, бир коса мўъжизали малҳам каби вуҷудимизни саломатлик билан тўлдирди ва даволайди».

Шифокор, у даволаган минглаб одамлар, у яратган самарали система — Келажак тиббиёти. Ҳаёт ва Тириклик уйғунлиги учун инсониятга таклиф этган даволаш усули ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Бир тиббиётки, у мустақкам томирлари билан ўтмиши (Абу Али ибн Сино)га бориб тақалади ва замонавий ахборот технологиялари воситасида дунёни илмий англаш билан ривожланади.

Россиялик мижознинг фикрлари эди бу. Энди масалага талбиркорлик нуқтани назаридан қарасак, Б.Эргашев томонидан мазкур муассаса ташкил этилгач,

70 нафардан зиёд ёш мутахассис иш билан таъминланди. Шу билан бирга, ҳар бир вилоятдан «Эргаш ота»га одам ташиб, бола-чақасини боқётган «такси»-чилар, ҳатто, «автобусчи»лар бор. Хаста инсон ўзини кўрсатишга ёлғиз келмайди кўп ҳолларда. Улар шифокор ҳузурига киргунларича шу атрофда дам оладилар, бошқа ишбилармонлар қўрган ошхонаю ресторанларда овқатланидилар. Ўзга давлатлардан одамларни автобус, поезд ва ҳаво йўллари орқали ташиб-кетган компаниялар ҳам фойда кўрмоқда. Европа ва қўшни давлатлардан туризм баҳонасида даволашга келаётган фуқаролар яқинба кунлари Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидаги қадамжоларга саёҳатга чиқишмоқда.

Ўтган йили беш мингта яқин хорижлик мижоз маслаҳат олиб, даволанган. Бош шифокор Б.Эргашевнинг фикрича, жорий йилда рекорд даражада турист кутилмоқда. Йил бошидан апрелнинг биринчи ярмигача 2500 нафар чет эллик даволаниш учун қабул қилинган.

Талбиркор шифокор имкониятлардан руҳланиб етти қаватли замонавий меҳмонхона курилишини бошлади. Бу ҳам тиббий туризмнинг ривожланишига муносиб ҳисса бўлиши шубҳасиз. Самарқанд вилояти ҳақда Каттақўрғон туман ҳокимликларининг доимий эътиборида қурилаётган бу иншоот ҳам чет эллик мижозларга шароит ва халқимиз учун қўшимча иш ўрни деганидир.

Биз эса шифокор Бердиқул Эргашев фаолиятининг энг асосий иқтисодий натижаси минглаб беморларни даволаб, ўз касбига, ишлаб чиқаришга қайтараётгани бўлса керак, деган фикрдамиз.

Парвина ОМОНОВА



Молия вазириликнинг хабарларига қўра, 1 июндан газ ҳамда электр энергияси тўловлари ошиши тўхтатилди.

Ўзбек хоккейи: кеча, бугун, эртага



Яқинда Континентал хоккей лигаси вице-президенти Виталий Прохоров Ўзбекистон хоккей клуби Олий хоккей лигасида иштирок этишини эълон қилди ва 2022 йилдаги Олимпия ўйинларидан сўнг Ўзбек клуби Континентал лигага қабул қилиниши мумкинлигини билдирди. Албатта, бу Ўзбекистоннинг халқроқ спортдаги позициясини мустақамлаш учун катта имконият.

Аммо шу кунгача хоккей ҳаминқалар ҳисобланган мамлакат бундай рақобатга дош бера олармикан, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Хоккей турнирлари ўтказилиши-ю, халқроқ лигаларда иштирок этиш у ёқда турсин, шу кунгача Ўзбекистонда, ҳатто, хоккей учун мўлжалланган спорт аренасининг ўзи ҳам йўқ эди. Қуруқ ва иссиқ шароит таъсирида Ўзбекистонда энг оммалашган спорт тури бу футбол бўлиб, афсуски, бу борада ҳам қутилган натижаларга эришилди, деб айта олмаيمиз. Борди-ю, хоккейда ҳам аҳвол шу бўлсачи? Янхиси, шарманда бўлишдан аввал чекина қолайлик деган фикр айримларнинг хаёлига келган бўлиши мумкин.

Хоккей Ўзбекистонда анчайин ривожланган бўлиб, бу борада катта ютуқларга эришилган, ҳатто, 1972 йилда Ўзбек клуби дунёдаги энг жанубий хоккей клуби сифатида Гиннес Рекордлар китобига киритилган эди.

Москвалик тарихчи Фёдор Раззаковнинг айтишича, ўша даврда Осиё минтақасидаги икки республика — Қозоғистон ва Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳеч бир соҳасида бир-бирига бўш келмасликка интилган. Қозоғистонда 1956 йилдан бошлаб шайбали хоккей ривожлана бошлади ва

1957 йилда биринчи Қозоғистон Хоккей чемпионати ўтказилди. 1969 йилда биринчи муз саройи қад ростлайди. Ўша йилларда Қозоғистон хоккей жамоаси — «Торпедо»нинг аъзоси бўлган Евгений Паладьев номи бутун дунёга машҳур бўлди. Кўп йиллар давомида Хоккей Ўзбекистонда «яшаб кетолмаслиги» ва бу спорт турини ўзбекистонда ривожлантиришга уриниш ҳам керакмаслиги тўғрисидаги турли фикрлар айтиб келинарди.

Аммо ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Шароф Рашидов бу борада таваккал қилишга жазм этди. Бу борадаги ютуқ уни раҳбар сифатида имконсиз нарсани амалга ошира олишини яна бир бор барчага исботлаши лозим эди. Натижада 1969 йилда Тошкентда биринчи Спорт муз саройи — «Юбилей»нинг қурилиш ишлари бошланди.

Оралдан бир йил ўтиши биланоқ биринчи Ўзбекистон Республикаси кубоги учун катта хоккей турнири ўтказилди. Турнирда ғолибликни СССРнинг «Спартак» жамоаси қўлга киритди. Бу турнир Рашидовнинг Ўзбекистонга Хоккейни олиб киришга эришишининг илк қадами эди. Спорт саройи ҳам қурилди, хоккей ҳам Ўзбекистонда ўз мухлисларига эга бўла бошлади. Энди ўз

хоккей жамоамизни тузиш фурсати етганди. Шу йилнинг ўзидаёқ Тошкентда «Спартак» жамоаси тузилади. Ўша пайтда Александр Сақеев, Ринат Боймуҳамедов, Юрий Митрофанов каби ўйинчилар Ўзбек хоккейи довругини бутун Иттифоқ бўйлаб танитишганини қайд этиш лозим. Аввалги «Спартак» 1973 йилда қайта номланган «Бинокор» клуби мураббийларидан бири бўлган Виктор Столяровнинг ўша йилларда берган интервьюсида у Ўзбекистон хоккейи тўғрисида бой хоккей анъаналарига эга бўлмаган шаҳарларда, албатта, Челябинск ёки Свердловскдагидек натижаларга эришиш қийинлигини, масалан, «Бинокор»да жамоада ёш ўйинчиларга ниманидир ўргата оладиган ҳақиқий лидер ўйинчининг йўқлиги сабаб яхши хоккейчини тарбиялаш мушкуллигини айтади. Шунингдек, Столяровнинг айтишича, ўша пайтда болалар хоккей мактаблари ҳам фаолият юритган, аммо улар сон жиҳатдан анча кам бўлган. Тошкентда хоккей ривожининг асосий муаммоси эса муз етишимовчилиги, яъни табиий музли саройларнинг мавжуд эмаслиги бўлиб, Спорт саройида баъзида, ҳатто, жамоа ўйинчиларига ҳам муз етишмаган. Демак, иқлим хоккей борасидаги ютуқларга катта тўсиқ бўлганлиги кўриниб турибди. Спорт саройи эса катта бўлишига қарамасдан хоккей учун етмасди.

Шароф Рашидов, албатта, бошлаган ишини давом эттиришга, хоккей учун шарт-шароит яратишга ҳаракат қилди. Аммо унинг ўлимидан сўнг «Хоккей ўзбеклар учун эмас!» деб таъкидлаганларнинг бурни осмонга етганди. Иттифоқ парчаланганидан сўнг Ўзбек хоккейи саробга айланди. Мустақилликка эришган мамлакатнинг олдида хоккейдан муҳимроқ вазифалар турарди.

Лекин кейинчалик Ўзбекистонда хоккей ҳали унутилмагани аён бўлди. 2013-йилда Ўзбек хоккейи фахрийлари ва мухлислар ташаббуси билан «Бинокор» жамоаси қайта тикланди ҳамда Ўзбекистон бу спорт турининг Федерациясига асос солинди. Хоккейнинг янгидадан вужудга келиши учун бунинг ўзи камлик қилар, бу мақсадга етишиш учун нафақат хоккей ихлосмандлари, балки кенг жамоатчилик вакиллари

ҳам тер тўкиши лозим эди. Бирок, ўша йиллари хоккей қозғоғида қўллаб-қувватланса-да, бу катта самара кўрсатмади. Ўзбек хоккейининг янги босқичи Ўзбекистон сиёсатининг янги босқичидагина илк куртакларни ёза бошлади.

2019 йилнинг февраль-март ойларида бўлиб ўтган Хоккей бўйича Ўзбекистон чемпионати Ўзбек хоккейининг янги даврини бошлаб берди. Чемпионатда 4 та пойтахт хоккей клублари — «Бинокор», «Хумо», «Семурғ», «Тошкент» жамоалари иштирок этишди. Кейинги улкан марра Тошкентдаги «Хумо» аренасининг расмий очилиш маросими бўлди. Албатта, Ўзбек хоккейи учун «Ўзбек» кадрларни етиштириш асосий масала. Ушбу масалада Ўзбекистон Хоккей Федерацияси фаол натижа бериши лозим. Бу борада Федерация вице-президенти Баҳодир Фафуров шундай дейди:

— Федерация бугунги кунда хоккейнинг вилоятларда ривожланиши учун фаол ишламоқда. Самарқандда муз аренаси қурилоқда. Яқинда бир қанча вилоятларда муз майдонлари қурилиши режалаштирилган. Хоккейни оммалаштириш учун биз чекка ҳудудларга етиб боришимиз лозим. Айнан шундай ҳудудлардан иқтидорли болалар чиқиши керак. Биз кўзланган натижага эришиш мумкинлигига ишонамиз, фақат бунинг учун вақт талаб этилади. Бу 2-3 йиллик иш эмас. Бу борада миқдордан сифатга қараб ҳаракатланиши лозим. Бугун биз республика бўйлаб кўплаб болаларни хоккей секцияларида қабул қилиш учун шароит яратишимиз даркор.

Нима бўлганда ҳам хоккей Ўзбекистонга бегона спорт тури эмас. Айни пайтда бу спортнинг ўша пайтдаги нуфузини тиклаш керак.

Ўзбекистонга хоккей, энг, аввало, бошқа ҳар қайси спорт тури сингари аҳоли саломатлигини таъминлаш учун керак. Бундан ташқари, ушбу спорт тури орқали халқроқ миқёсда турли алоқалар ўрнатиш, мамлакат иқтисодий-иқтисодий молиявий жиҳатдан бойитиш мумкин. «Хумо» аренаси қад ростлаши туфайли Ўзбекистон хоккей бўйича халқроқ мусобақаларни ўтказиш имкониятига эга бўлди. Бундай турнирларга мезбонлик қилиш юртимизнинг бир қатор давлатлар билан икки томонлама манфаатли дипломатик муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Хусниябону АЛИМОВА

Авваллари чет элликларни фақат меъморий қадамжоларда саёҳатга келганида кўрардик. Ҳа, бу яқин ўтмишда қолган воқелик. Энди эса юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, яратилаётган қулай инвестицион муҳит туфайли дунёдаги йирик компаниялар бизнес ҳамкоримиз, ишончли сармоядорларга айланмоқда. Буни ҳудудлардаги давлат хизматлари марказлари орқали ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказаятган хорижлик ишбилармонлар мисолида кўриш мумкин.

Навоий шаҳрида замонавий тиббиёт клиникасини очиб, маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатиш учун ўз тadbиркорлигини расмийлаштиришга келган америкалик Марк Энтони Уинтерс Навоий шаҳар Давлат хизматлари марказида бўлди. Хорижлик ҳамкорга яшил йўлак тамойили асосида хизмат кўрсатишди. Марказда инвесторлар учун ажратилган алоҳида хонада ҳужжатлар қабул қилинди. Банк тўловлари ва барча хизматлар амалга оширилди. Жуда қисқа вақт ичида чет эллик ҳамкор 42 миллион доллар миқдорда сармоя киришти, Навоийда ўз тadbиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказди. Бу ҳақда Марк Уинтерс шундай дейди:

«Биз Навоий ҳудудида инвестицион дастур асосида ўз бизнесимизни бошладик. Бунда аҳолига 24 соат тиббий хизмат кўрсатадиган тез тиббий ёрдам клиникасини яқин муҳлатларда қуриб топширмоқчимиз. Кейинчалик бу фаолиятимизни республика бўйлаб кенгайтирмоқчимиз. Бизни гоёйда қувонтирган ҳол бу бизнесимизни 15 дақиқа ичида расмийлаштирганимиз бўлди. Тўғриси, Америкада ҳам аҳолига давлат хизмати кўрсатадиган худди шундай марказлар мавжуд. Фақат бизда хизмат турлари кўпроқ, Марказ кўриниши, жиҳозланиши, замонавийлигининг деярли фарқи йўқ. Бирлай.

17 қаватли тиббий марказ у туну кун ишлайди

Энди нега бизнес юриштиши айнан Навоийда лозим кўрдингиз, дейишингиз мумкин? Иқлим жиҳатдан ва қулай инвестицион муҳит барпо этилгани боис шу ердამиз. Боиси, Навоийда эркин иқтисодий зона мавжуд. Бу бизнинг компания айнан шу ерда ўз фаолиятини юриштиши керак деганидир».

«Биз 4 кундан буён Навоий вилоятининг унумдор ерларини кўриш учун Конимех, Нурота ва Хатирчи туманларида бўлиб сармоядор шерикларимиз билан, айнан, хатирчи ерларида қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланмоқчи бўлдик. Бу худуд ери унумдор, гупроги деҳқончилик

қилиш учун қулай. Суви ширин, чунки биз томчиладиб суғориш йўли билан боғлар, узумзорлар барпо этмоқчимиз, сабзавот экинлари етиштирмоқчимиз. Бугун ширкатимизни жуда тез очдик. Марказ ниҳоятда замонавий, хизматчилар хушмуомала. Юртингизда одамлар учун яратилган имкониятлар борлигидан миннатдоримиз. Марказда яратилган қулайликлардан биз ҳам фойдаланганимиз, шу давлатга хизмат қилишимиздан гоёй хурсандимиз».

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, дунё харитасида нуқтадек кўринган Навоийга бутун ер юзи мамлакатларининг тadbиркорлари интилмоқдами, демак Президентимиз таъкидлаганидек, «ҳадемай Навоий вилояти чинакамга инвестиция ва инновациялар ҳудуди номи ила эъланроф этила бошлайди».

Элдор БАҲОДИРОВ

31 май куни Европа Иттифоқи қошидаги Европа Кенгаши раиси Дональд Туск Ўзбекистонга келади.



Энди мен ҳам кутқарувчи бўламан!



Бахтиёрнинг ўсмирлик пайти эди. Шу ёшдаги тенгқурлари қатори у ҳам қай йўлни танласам, қайси олийгоҳга ўқишга топширсам экан, деб ўйлаб юрганди. Шундай кунларнинг бирида кўшни уйлardan бирида содир бўлган ёнғин унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Олдига аниқ бир мақсад кўйди...

— Олов авжга чиққан эди, — дейди Ёнғин хавфсизлиги институти курсанти Бахтиёр Тожиёв. — Қўлимиздан келганча ёрдамлашардик. Шу жараёнда оловга йиқила бошлаганимни ҳис этдим. Бир бақувват қўл билангина тўтиб, четга олиб чиқди. Қарасам, ўт ўчирувчилар етиб келибди... Улар оловдан кўрқмасди. Ҳатто, бир туйнуксиз ёнаётган оловга тикка кириб, бир кишини олиб чиқарди. Яна иккиланмасдан оловга кириб кетар, бир болани кўтариб чиқарди... Улар мен учун қаҳрамонга айланди. Бу воқеадан кейин ўз олдимдаги мақсадни узил-кесил аниқлаб олдим. Ота-онамнинг розилиги билан шу ерда ўқишни бошладим. Энди мен ҳам одамларни кутқараман! Бундан ша-

рафли иш борми? Давлатимиз раҳбарининг «Ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Давлат Ёнғин хавфсизлиги хизматининг кадрлар салоҳиятини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Сир эмас, соҳала чуқур билимга эга бўлган кадрлар, бошқарувни ташкиллаштириш ва молия хўжалиги фаолияти бўйича зарур кўникмаларга ҳамда ахлоқий психологик ва интеллектуал салоҳиятга эга, шахсий тарихини ўз ортидан эргаштира оладиган раҳбар кадрларни тайёрлаш ҳозирги даврнинг талаби бўлиб қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ёнғин хавфсизлиги институтининг Олий курслари фаолият юрита бошлади. Битирувчиларнинг амалий идоралардаги фаолияти туман (шаҳар)лар ва объектлар ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлимаси) бошлиги лавозимлари қатъий равишда Институтининг Ёнғин хавфсизлиги хизмати раҳбар кадрларини тайёрлаш Олий курсларини тамомлаган офицер ходимлар билан жамланмоқда.

— Оиламиздаги эркаларнинг ҳаммаси — отам, икки нафар амаким, акам, энди мен ҳам шу соҳани танлаганмиз, — дейди Фаргона вилояти Марғилон шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиги ўринбосари, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги институти Олий курс тингловчиси майор Ҳикматилло Бўтабоев. — Ёшлигимдан шу либосга ҳавас билан улгайдим. Шунинг учун бошқа соҳада фаолият юритиш ҳаёлимга ҳам келмаган. 2002-2007 йилларда шу институтини тамомлаганман. Шунгами, олий курс очилганини эшитишим билан бу ёққа ошиқдим.

Айни пайтда соҳада бўлаётган ўзгаришлар, жаҳон тажрибаси ҳақида жуда кўп билимларга эга бўляпман. Албатта, буларни ўз иш жойимга борганда ҳаётга татбиқ этаман.

Ёнғин хавфсизлиги институтида кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш йўналишида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2018-2019 ўқув йили мобайнида 3 нафар академик, 2 нафар фан доктори ва 2 нафар фан номзоди ишга қабул қилинди.

— Айни пайтда 72 нафар профессор-ўқитувчидан 21 нафари илмий даражага эга, — дейди ЁХИ ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиги, майор Фурқат Назаров. — Бугунги кунда Институтида 7 нафар фан доктори, 14 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 3 нафари академик, 1 нафари профессор ва 7 нафари доцент илмий унвонига эга. Шунингдек, 19 нафар ўқитувчи ва илмий ходим мустақил илмий излашчилар сифатида расмийлаштирилди ва бугунги кунда улар илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Умуман, институтида ўқув жараёнлари ҳавас қиларли даражада олиб борилди. Курсантлар учун барча шарт-шароит муҳайё. Ходимлар ва курсантларнинг китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида 454 дона китоб харид қилинди. Бундан ташқари, бошқа ўқув юртлари билан ҳам алоқалар яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети билан 199 та дарслик, ўқув-услубий қўлланма ва ўқув дастурларининг электрон варианты олиб келиниб, институти Ахборот-ресурс марказининг базасига киритилди. — Кичкиналимизда отам

ўзи билан ишга олиб борарди, — дейди курсант Сардор Тохиёров. — У ўт ўчирувчи. Ҳар сафар ўзи билан олиб кетишини айтиб, хараша қилардим... Бутун бино олов ичида. Мен эса ўт ўчириш машинаси ойнасидан кузатаман. Ичкаридан баланд овозда ёрдам сўраган кичкириклар эшитилади. Боварериб, таниш бўлиб кетган акаларим, отам навбати билан кириб биттадан одамни кўтариб чиқаваради. Лекин улар ҳам одамку. Нега бошқаларга ўхшаб кўрқмайди? Бир томондан сув сеппилган, бир томондан одамлар йиғилиб, кўтқарилган яқинини овутиган. Шундай пайтда кўтқарувчиларнинг одамлардан қанчалик ажралиб турганини кўрасан ва бу сенинг ҳаёлингга бир умрга муҳрланади. Айтгинчи, мен яна қайси касбни танлашим мумкин? Отам ана шундай ўт ўчирувчи! Бундан-да савобли, бундан-да гурурли касб бормикан?

Дарҳақиқат, ўт ўчирувчи офатга қарши борар экан, олдинда нималар кутаётганини, ёнғин ўчириш пайтида ҳалок бўлиши ҳеч гап эмаслигини яхши билади, аммо ҳеч қачон ортага чекинмайди.

Шу боис бу касб вакиллари қанчалик шарафласак, уларнинг жасоратлари ҳақида қанча кўп ҳикоя қилсак оз. Донуна айтганидек, «Дунёда икки сўз қолур абдий — ботирнинг иши-ю, дононинг сўзи». Бу айни ҳақиқат. Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди, аммо унинг қилган ишлари, яхши амаллари абдий қолади. Шундай экан, боғ яратиш ҳам, бино барпо этиш ҳам, яратилган ана шу боғу роғларни, қасру биноларни ёнғин деб аталувчи офат домидан асраб қолиш ҳам савобли амаллардан.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири

Турфа олам



«Huawei» ва «Google» ҳамкорликни тўхтатмоқда

АҚШ ҳукумати Хитойнинг «Huawei» компаниясини қора рўйхатга киритиш ҳақидаги қарори туфайли «Google» корпорацияси «Huawei» билан ҳамкорликни тўхтатмоқда.

Кейинроқ «Bloomberg» агентлиги «Intel», «Qualcomm», «Xilinx» ва «Broadcom» компаниялари ҳам «Huawei» компаниясига ўз маҳсулотларини етказиб беришни тўхтатганини маълум қилди.

Бундай ҳамкорликнинг тўхтатилиши «Huawei» эркин олиш мумкин бўлган маҳсулотлардан

ташқари, «Google»нинг барча технологиялари ва дастурий таъминотидан маҳрум бўлишини аналтади.

Масалан, «Huawei» «Android» тизими янгилашиларида мосуво бўлади. Шунингдек, «Google» дастурларини, жумладан, «Google Play» ва «Gmail» электрон почтасини ўрната олмайди.

«Google» вакиллари айтишича, аввалроқ «Huawei» қурилмаларига эга бўлган фойдаланувчиларда «Google Play» ва «Google Play Protect» иловалари ишлашда давом этишини билдирди.

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

АТ Халқ банкнинг Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимига қарашли Яккасарой тумани Бобур кўчаси 40-А уйда жойлашган бинода қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича қурувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали Ўзбекистон Республикаси 100024, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси 9-уй.
2. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни махсус ахборот портали www.xarid.uz сайтидан (лот №9048394), шунингдек, душанба-жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
3. Тижорат таклифлари 2019 йил 03 июнь соат 15:00 га қадар қабул қилинади. Тижорат таклифида танлов ўтказилиш шартларида белгиланган барча ҳужжатлар бўлиши лозим.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

АТ Халқ банкнинг Тошкент шаҳар филиали биносида видео кузатув камераларини ўрнатиш бўйича тегишли ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали Ўзбекистон Республикаси 100024, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси 9-уй.
2. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни махсус ахборот портали www.xarid.uz сайтидан (лот №9048500), шунингдек, душанба-жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
3. Тижорат таклифлари 2019 йил 06 июнь соат 15:00 га қадар қабул қилинади. Тижорат таклифида танлов ўтказилиш шартларида белгиланган барча ҳужжатлар бўлиши лозим.



Филиппинда фуқаролар олий маълумот олиш учун ўнтадан дарахт экиши шарт деб белгиланди.

Ноинсофлик ҳам эви биланда...

Ш.Абдуллаев Сирдарё вилоятидаги «Alan Systems Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари. У ҳали ёш бўлишига қарамай, бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, уставида кўрсатилган фаолиятни амалга оширмасдан, ноқонуний равишда пул маблағларини нақдлаштириш мақсадида «Alan Systems Group» масъулияти чекланган жамиятини қайта рўйхатдан ўтказган. Мазкур жамият раҳбари сифатида 2018 йил 1 февралдан 2018 йил 1 апрелга қадар жами 89 538 231 400 сўмлик ноқонуний пул айланмасини амалга оширган.

Шунингдек, осон ва назорат қилинмайдиган даромад топиш мақсадида Солиқ кодексининг 119-моддаси 1-қисми ва Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартирishi чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини

қўпол равишда бузган. Яъни, 2018 йил 1 февралдан 1 апрелга қадар пул ўтказиш йўли билан харид қилинган 84 158 190 000 сўмлик юқори ликвидли, харилорғир маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, савдо тушумларини белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли банкдаги ҳисоб

рақамига кирим қилмасдан, жуда кўп миқдордаги маблағларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

2018 йил 1-чораги учун жами 49 921 000 сўм миқдорда ягона солиқ тўловини, жами 8 684 813 600 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетига тўламасдан, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган. Бу ҳам етмагандай, ҳужжатларни қалбақлаштириш ва бунинг орқасидан солиқларсиз даромад қилиш каби қатор қинғир ишларни мунтазам амалга ошириб келган.

Содир этган жиноятларини яшириш ва шу йўл билан жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида «Alan Systems Group» МЧЖнинг фаолияти давомида расмийлаштирилган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва жамиятнинг қатъий ҳисобдаги гувоҳнома ҳамда бошқа таъсис ҳужжатларини қасдан йўқ қилинган.

Давлий ашё тарихида олинган

ҳамда жиноят ишига қўшилган, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё Транспорти агентлиги томонидан берилган «Автомобиль транспортда юкларни шаҳарлараро йўналишда ташини» фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи сохта лицензия. «Kamron Stroy Sevis» МЧЖ билан тузилган қалбаки шартнома... Буларни кўриб, «ноинсофлик ҳам эви биланда оғайни», дефинишга шубҳасиз. Нима деб ўйлайсиз, мана шундай қинғир йўл билан топишган маблағ оилага барака олиб келармикан? Униси ҳам майли, бундай оламлар кўнгли хотиржам яшай олармикан? Ахир ҳаётдан мақсад ҳам тинч-хотиржам яшаш эмасми?

Ж.ҚОДИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашни департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими қатта инспектори, 3-даражали юрист

Эълон Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш» мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртмалари қабул қилинади:

- оила куриш ёшидаги йигит ва қизларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлашга, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўлини эканлигини уларнинг онгига сингдиришга кўмаклашиш;
- оилада ва маҳаллада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясини юксалтиришга шарт-шароит яратиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тарғиб этиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- низоли вазиятлар, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворини эрта бартараф этишда давлат органлари билан ўзaro ҳамкорликни шакллантириш;
- соғлом фарзандлар дунёга келишининг муҳим омили сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, болаларнинг туғма касалликлар ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар тайёрлаш, аҳоли ўртасида тарғиб этиш;
- маҳаллаларда спорт тўғаракларини ташкил этиш, болалар, ёшлар, хотин-қизларни оммавий спорт турлари билан шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи аъёналарини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, тўғри овқатланиш маданиятини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;
- давлат органлари билан ҳамкорликда фуқаролар йигинларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш;
- оилавий ажримларни, ноқонуний ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, қайнона ва келин ўртасидаги низоларни бартараф этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- маҳаллалар ҳудудларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ

- жойлардаги аҳоли пунктларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашга қаратилган талбирларни амалга оширишга кўмаклашиш;
- аҳолини турли юқумли касалликларга (ОИВ-инфекцияси, сит, безгак, онкологик касалликлари) чалиниш ҳолатларининг олдини олишда тиббиёт мусассасалари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтиришга, биологик хилма-хиликни сақлашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашга инновацион технологияларни жалб этишга кўмаклашиш;

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланмаган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 29 майдан 4 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди номига: 100163, Тошкент шаҳри Ислоом Каримов кўчаси 43-уй** манзилга «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Маънан етук ва юксак маърифатли ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш» мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртмалари қабул қилинади:


- ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга оширишга, банд бўлмаган ишсиз ёшларни фойдали меҳнат фаолиятига ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;
- ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш, уларнинг инновацион фикрлашини, кашфиётчилик, рационализаторлик гоёлар ва нау-хауларни ишлаб чиқишга йўналтириш;
- ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбағшарий қадриятлар руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, она Ватанга муҳаббат, бузғунчи гоёларга қарши имунитетларни янада кучайтириш;
- ёшларни юртга салоқат, маданий меросга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга, миллий ва умминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларни оммавий маданиятнинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- ёшларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг ташаббуслари ва замонавий гоёларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш;
- ўсмирлар, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, «Жаҳолатга қарши маърифат» гоёси асосида кенг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;
- яқин қариндошлар ва ёшлар ўртасида эрта никоҳни, оилада ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи, низоли вазиятларнинг олдини олишга, соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш;
- ўсиб келаётган ёш авлодда ота-онани, кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғусини

- шакллантириш;
- ёшларни, айниқса, ёш қизларни, ёш оилаларни оилавий ва хусусий талбиркорликка, дунармандчиликни ташкил этишига кўмаклашиш;
- уюлмаган ҳамда ноқонуний меҳнат мигрантлиги натижасида хорижий давлатлардан дипортация қилинган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
 2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
 3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
 4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланмаган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
 5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 млн. сўмгача.
- Ҳужжатлар 2019 йил 29 майдан 4 июлгача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар **Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди номига: 100163, Тошкент шаҳри Ислоом Каримов кўчаси 43-уй** манзилга «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.
- Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.**

Газетанинг навбатдаги сони 14 июнда чиқади.



Ҳукумат қарори билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали ташкил этилди.

КИСКА
САТРАПЛАРДА
УКИНИ!

Аллергия ирсиятга боғлиқ...ми?

Комрон эндигина 6 ёшга тўлди. Мавсумий касалликлар кўзгаладиган айни баҳор ва куз фаслларида тоби қочиб, унда тўсатдан ўткир тумов, кўз қизариши ва ёшланиши кузатилади. Томоғи бўғилиб, ҳолсизланади. Унинг бу ҳолатини онаси грипп ёки шунчаки шамоллаш, дея турли антибиотикларни ичирди. Аммо фойдаси бўлмади...



Республика илмий-ихтисослаштирилган алергология марказида 30 май — Халқаро астма ва аллергияга қарши кураш куни муносабати билан ўтказилган акцияда Комрон ва у каби касалликка чалинган беморлар беғул малакали шифокорлар кўригидан ўтказилди. Уларга аниқ ташхис қўйилиб, зарур тавсиялар берилди.

— Кейинги йилларда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда алергик касалликлар сони кун сайин ортиб бормоқда, — дейди олий тоифали шифокор-аллерголог Кутбиддин Низомов. — Алергия юнонча «аллос» — бегона, «эргос» — тасир сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у организмнинг бегона, ёт моддаларга ўзгача тасир қилиш хусусиятини англатади. Ана шу бегона моддалар тиббиёт тилида алергенлар деб аталади. Озиқ-овқат, дори, уй-рўзгор, ўсимлик гуллари чангидан пайдо бўладиган алергенлар мавжуд. Шунингдек, аллергиянинг келиб чиқишига айрим экологик омиллар, асабийлашиш, бир пайтнинг ўзида турли дори воситаларини истеъ-

мол қилиш, кундалик тановул қилинадиган озиқ-овқатларга турли консервантлар, сунғий бўёқларнинг қўшилиши сабаб бўлади. Масалан, алергик ринит касаллиги икки турда, яъни йил давомида кечувчи ва мавсумий ҳолатларда кузатилади. Алергик тумов хасталиги худди шамоллаш аломатига ўхшаб кетсади, яъни бемор акса уради, бурундан сув келади, томоқ, қулоқ кичишади, кўз қизаради.

маҳсулотларини истеъмол қилмаслик керак. Буларга от ва парранда гўшти, нўхат, духкакли ўсимликлар уруғларидан тайёрланган таомлар, ёнғоқ, асал, ҳолва, писта, бодом, шоколад, қизил мевалар — гилос, олча, малина, цитрусли ва тропик мевалар, рангли чанқоқбосди ичимликлар қиради.

Сунғий матодан тикилган кийим кийиш, ўткир хилли атир-упалардан фойдаланиш мумкин эмас. Хасталикнинг олдини олиш учун мумкин қадар алергендан узоқда бўлиш, унинг гуллаш даврида ҳаво алмаштириш, иқлим намроқ ерларда дам олиш тавсия этилади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, кўпинча ота-оналар ёш болаларга мумкин бўлмаган турли сунғий бўёқли газли ичимликлар, маринадди, майонезли, дулланган озиқ-овқатлар беришади. Ушбу маҳсулотларни нафақат ёш болалар, балки аллергияга мойиллиги бор ҳар қандай ёшдаги инсонлар истеъмол қилмагани маъқул. Чунки бу маҳсулотлар ҳазм жараёнини бузади ва турли хил кўринишдаги оғир алергик хаста-



Мутахассисларнинг фикрича, ушбу касалликлар билан хасталанган беморларнинг 15-20 фоизи шифокорга мурожаат этишса, қолган беморлар билиб-билмай антибактериал воситалардан фойдаланишар экан. Хасталикка чалинмаслик учун алергияни кўзғатиши мумкин бўлган озиқ-овқат

ликларга сабаб бўлади.

Аллергияга мойиллиги бўлган инсонлар уй шароитида фақатгина 1 стакан илиқ сувга 1 чой қошиқ туз солиб, бурнини 1 кунда 1 маҳал чайиб туриши мумкин. Шу билан бирга, уйдаги чанглари тузли сув билан тозалаб туриш касаллик кўзгалмаслигида яхши самара беради. Шунингдек, беморларга пар ёстиқ ва кўрпалардан фойдаланиш ҳамда сунғий тотали матолардан тикилган кийим-кечакларни кийиш тавсия этилмайди. Ўсимлик гуллари чангига сезувчанлик юқори бўлганда эрталаб уй деразаларини соат 10-11 га қадар очмаслик, машина ойналарини ҳам ёпиб юриш, кўзга нимқора кўзойнак тақиш, кучли шамолда сайр қилмаслик, уйга киргач эса енгил душ қабул қилиш лозим. Аёллар ҳомиладорлик пайтида тез-тез шифокор кўригидан ўтиб туриши лозим. Бу даврда улар аллергия кўзғовчи таомларни — аччиқ овқатлар, цитрус мевалар, газланган ичимликларни истеъмол қилмаслиги керак. Агар ота-онанинг бирортасида ушбу касаллик кузатилса, болаларда ҳам унга мойиллик бўлади. Агар ушбу хасталикка эътиборсизлик билан қаралса, у янада чуқурлашиб кетади. Оддий мисол, бурундан бошланган ренитни даволамаслик оқибатида уларнинг бронхит ва кейин бронхит астмага айланиши мумкин. Ёки тери алергияси — дерматитни олайлик. Эътиборсизликдан эритродермия касаллиги пайдо бўлади. Шунинг учун аллергияга хос бўлган белгиларни сезганда, дарҳол мутахассисга мурожаат қилган маъқул. Шифокор кўрсатмаларига риоя қилиш, буюрилган муолажаларни ўз вақтида қабул қилиш касалликни енгишга, ундан батамом кутулишга ёрдам беради.

Баҳринисо ОТАЖОНОВА

Б-ХАВО	
31 май	+34°C
1 июнь	+21°C
2 июнь	+28°C
3 июнь	+18°C
4 июнь	+25°C
5 июнь	+18°C
6 июнь	+29°C
7 июнь	+18°C
8 июнь	+30°C
9 июнь	+18°C
10 июнь	+30°C
11 июнь	+18°C
12 июнь	+29°C
13 июнь	+17°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фукарolik жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Махалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фукарolik жамияти — Гражданоқоо общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алиханов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов
Руфат Нейматов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-514 Адади: 2005.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок, Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқини:
Топширилган вақти: 20.15
1 2 3 4 6

bong.uz

АССОС ЖАМИЯТ ГЕОСЕТ ШИРОҚЛАШТИРИШ ҲАМ ЖАМИЯТ ОЛТИ

Сунғий янгиликлар

Энг кўп ўқилган

Энди «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилаётган мақолалар ҳамда юртимизда ва хоризда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни bong.uz сайтида ҳам кузатиб боришингиз мумкин.

Бизни ижтимоий тармоқлардан топинг:
Телеграм: <https://t.me/bonguz1>
Фейсбук: www.facebook.com/bonguznews

123456 — энг кўп тарқалган пароль

Ер юзиде миллионлаб одам интернетдаги аккаунтларига жуда осон бўлган паролларни ўрнатади.

Буюк Британиянинг Миллий Кибер Муҳофаза марказининг маълум қилишича, бузиб килирилган аккаунтларнинг кўпчилигида пароль сифатида 123456 рақамлар кетма-кетлигидан фойдаланилган. Бундай пароль 23 миллион аккаунтларда уч-чар экан.

Иккинчи ўринда энг кўп ишлатиладиган пароль бу 123456789 бўлиб, ундан кейинги ўринда эса 111111 паролли эканлиги аниқланган.

Бундан ташқари, кўпчилик яна ўз исми ва туғилган йилини пароль сифатида қўйиб, хакерлар учун тахмин қилиш ва бузиб килиришга осон имконият беради.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Яшнобод туман филиали томонидан 2018 йил 22 ноябрда «GORSTROY TEXNIKA» МЧЖга Яшнобод тумани Уйсозлар 72 «а»-уйга оид берилган кўчмас мулк кадастир объекти ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Ўзбекистонда 1 июнь куни иш куни бўлади.